Жамиятнинг 2021 йилнинг I чорак молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги бошқарув раисининг ҳисоботи

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан 2021 йилнинг 1-чорагида республика қишлоқ хўжалигига умумий қиймати 128,9 млрд. сўм бўлган 1330 дона қишлоқ хўжалик техникалари лизингга етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган 2020 йилнинг шу даврига нисбатан техникаларни сони бўйича 103,7 фоизга ўсишга эришилди.

2021 йил 1-чорагида 22 дона “Arion-630c”, 44 дона “T6070”, 18 дона “ТД5.110”, 9 дона “TTZ-812”, 16 дона “Nurafshon N-81”, 1 дона “Axos”, 39 дона “TTZ-811”, 12 дона “Nurafshon N-81 C” русумли чопиқ ва транспорт тракторлари, 6 дона “ТТ-40”, “I38” русумли боғдорчилик тракторлари, 7 дона “Доминатор-130” ва “Вектор-410” русумли 227 дона ғалла ўриш комбайнлари, 70 дона культиваторлар, 464 дона пуркагичлар, 62 дона экиш сеялкалари, 23 дона лазерли ер текислагичлар ва 537 дона бошқа турдаги турли русумдаги агрегатлар лизингга етказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарига янги турдаги “Sampo Krantas C8” русумли ғалла ўриш комбайнлари, “TTZ-812” ва “Nurafshon” русумли тракорлари, “Markant-650” русумли хашакни тойлаб зичлагичлар, “2 ПТС-6” русумли трактор тиркамалари, мотоблоклар лизингга етказиб берилиб, лизинг асосида етказиб бериладиган техникаларнинг жами тури 125 тага етказилди.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарига қишлоқ хўжалиги техникалари учун 2021 йил 1-чорагида жами 234,4 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар молиялаштириб берилди.

Шундан:

“Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи”га – 56,7 млрд. сўм;

“ЎзКЛААСагро” қўшма корхонасига – 59,9 млрд. сўм;

АЖ "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" – 29,4 млрд.сўм;

“ЎзКейсмаш” ҚКга – 25,2 млрд. сўм;

“Технолог” АЖга – 1,6 млрд. сўм;

"Ургенчкорммаш" АЖга – 2,6 млрд. сўм;

“LEMKEN Chirchiq” МЧЖ ҚКга – 5,8 млрд. сўм;

"Krantas Group" МЧЖга – 7,5 млрд. сўм;

“Тошкент-Агро-Трактор” МЧЖга –12,1 млрд. сўм;

"LIZING TEXNIKA SERVIS" МЧЖга –12,4 млрд. сўм;

“Norin Moto Bike” МЧЖ га – 4,7 млрд. сўм;

Бошқа ишлаб чиқарувчиларга – 16,5 млрд. сўм молиялаштириб берилди.

2021 йил 3 ой давомида амалга оширилган ишлар натижасида Жамиятнинг соф активлари ҳисобот даврига 151,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ҳисобот давр бошига нисбатан 8,7 млрд. сўмга ўсди.

Жамиятнинг 2021 йил 3 ой якуни бўйича соф фойдаси 1,0 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 7,3 млрд.сўмни ёки “Бизнес-режа”га нисбатан 6,3 млрд. сўмга кўп бўлди.

2021 йилнинг 3 ой давомида лизинг лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклардан 100,0 млрд. сўм ҳамда 5,0 млн. долларда кредитлар жалб қилинди, 24,6 млрд. сўм миқдорида Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш Жамғармаси маблағлари ўзлаштирилди.

Бошқарув раиси **Н.Отажонов**